

«Тасдиқлайман»
Сурхондарё вилояти
божхона бошқармаси
бошлиғи ўринбосари




Х.Халбаев

«01» 12 2022 йил

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар И.Каримов кўчаси 286 уйда жойлашган Божхона бошқармаси маъмурий биносига” 50 квт/с қувватдаги қуёш фотоэлектр станциясини ҳамда 1 дона 200 литрли қуёш сув иситгичи, Термиз тумани Айритом маҳалласида жойлашган Айритом чегара божхона пости маъмурий биносига 100 квт/с қувватдаги қуёш фотоэлектр станциясини ҳамда 1 дона 200 литрли қуёш сув иситгичи, Термиз тумани “Гулбаҳор” маҳалласи Гулбаҳор чегара божхона пости маъмурий биносига 30 квт/с қувватдаги қуёш фотоэлектр станциясини ҳамда 1 дона 200 литрли қуёш сув иситгичи ва Узун тумани Толтўғай МФЙ Маданий турмуш қишлоғи Боботоғ пункти маъмурий биносига 10 квт/с қувватдаги қуёш фотоэлектр станциясини ҳамда 1 дона 200 литрли қуёш сув иситгичи, Сариосиё тумани Ширин маҳалласида жойлашган Сариосиё чегара божхона пости маъмурий биносига 1 дона 200 литрли қуёш сув иситгичларини харид қилиш ва ўрнатиш

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

ТЕРМИЗ -2022



Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар И.Каримов кўчаси 286 уйда жойлашган Божхона бошқармаси маъмурий биносига” 50 квт/с қувватдаги қуёш фотоэлектр станциясини ҳамда 1 дона 200 литрли қуёш сув иситгичи, Термиз тумани Айритом маҳалласида жойлашган Айритом чегара божхона пости маъмурий биносига 100 квт/с қувватдаги қуёш фотоэлектр станциясини ҳамда 1 дона 200 литрли қуёш сув иситгичи, Термиз тумани “Гулбаҳор” маҳалласи Гулбаҳор чегара божхона пости маъмурий биносига 30 квт/с қувватдаги қуёш фотоэлектр станциясини ҳамда 1 дона 200 литрли қуёш сув иситгичи ва Узун тумани Толтўғай МФЙ Маданий турмуш қишлоғи Боботоғ пункти маъмурий биносига 10 квт/с қувватдаги қуёш фотоэлектр станциясини ҳамда 1 дона 200 литрли қуёш сув иситгичи, Сариосиё тумани Ширин маҳалласида жойлашган Сариосиё чегара божхона пости маъмурий биносига 1 дона 200 литрли қуёш сув иситгичларини харид қилиш ва ўрнатиш

1.2. Танлов охириги қиймати – 2 140 000 000 сўм . Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 календар кун.

1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ**, (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили:, **СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ** Термиз шаҳар И.Каримов кўчаси 286 уй.

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан электрон тарзда ўтказилади

2.3. Танлов Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми
(50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

4.5. Танлов иштирокчиси:

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли.

6.2 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

**Моддий техника таъминоти
бўлими бошлиғи**



Ш.Холматов